Меҳнат миграцияси қоидаларини бузганлик учун жарима санкцияларига келадиган бўлсак, улар ҳам ўзгартирилди. Елена Дунаеванинг аниқлик киритишича, РФ ҳудудида ноқонуний равишда бўлиб туриш шахснинг мамлакат ҳудудида қонунни бузган ҳолда бўлиб туриш муддатидан келиб чиқиб, 3 йилдан 10 йилгача мамлакатга кириши таъқиқланиши билан жазоланади. "Бундай чора жаримадан кўра унумлироқ бўлади, чунки статистикага кўра ҳар бир муҳожир ҳеч бўлмаганда бир йилда бир маротаба оиласига қайтиб боради, бундай қонун бузилиши натижасида эса у РФга қайтиб кира олмайди. Ҳеч кимни тутиб юришнинг ҳам кераги бўлмай қолади, мамлакатимизга кириб келаётган барча чет эл фуқаролари автоматик равишда маълумотлар базасига киритилади, унда уларнинг ҳар бирига қоидабузарликлари ҳисобга олингани ҳолда досье тузилади", - деди Петербург ФМХБ раҳбари.

Меҳнат муҳожирлари миграция хизматларини ишга қабул қилинганликлари ва аванс тўловларини ўз вақтида тўлаганликлари ҳақида мажбурий равишда огоҳлантиришлари керак бўлади, акс ҳолда патент бекор қилинади.

Фото: metronews.ru

Губернаторнинг топшириғи бўйича петербурглик муҳожирларга маълумот берилади

2015 йилнинг январь ойидан бошлаб «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» Санкт-Петербург Миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсатини жорий этиш Қўмитаси билан ҳамкорликда Витебск вокзалида Шимолий пойтахтга келаётган Ўрта Осиёликлар орасида «Турон» газетаси ва маълумотлар буклетларини тарқатишмоқда.

«Бир неча йилдирки муҳожирлар Россияга маҳаллий қонунлар ва урф-одатлар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган ҳолда, кўпчилиги эса ҳаттоки рус тилида гаплашишни ҳам билишмай келишмоқда, - деб изоҳлайди «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти Бошқарув Раиси Махмут Маматмўминов. – Шу сабабли одамлар бизнинг ташкилотимиз ва Қўмитага мурожаат қилишларини ҳохлар эдик, у ерда уларга Россиядаги ҳаёт ҳақида бепул маслаҳатлар беришга ҳар доим тайёрлар. Эндиликда муҳожирлар бегона шаҳарга келишлари билан – вокзалнинг перронидаёқ зарур маълумотни олишмоқда».

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилнинг декабрида Петербург губернатори Георгий Полтавченко миграция соҳасидаги жамоат арбобларига чет эл фуқароларининг Санкт-Петербург ҳудудига кўпчилик бўлиб келадиган жойларда ахборот-тушунтириш ишларини олиб боришни ташкиллаштириш топшириғини берган эди. 2014 йил ёз ва кузда «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» ходимлари «Пулково» аэропортининг Миграция назорати зонасида ахборот буклетларини тарқатишди. Шимолий пойтахтнинг темир йўл пойтахтларида ҳам материалларни тарқатишга руҳсат сўраб талабнома жўнатилган эди. Губернатор Полтавченко Маъмурияти кўмаги билан 2014 йилнинг декабридагина рухсат олишга муваффақ бўлинди.

«Эндиликда биз Ўрта Осиё мамлакатларидан Санкт-Петербургга келаётганлар аудиториясини тўлиқ қамраб олдик, - деб сўзини давом эттиради Маматмўминов. – Муҳожирларнинг барчаси уларга бегона юртда бепул ёрдам кўрсатилиши ҳақида билади, улар эса ўз навбатида бу шаҳарнинг меҳмони сифатида унинг аҳолиси ва қоидаларини ҳурмат қилишлари, тилини билишлари, умумий тарихий ўтмишни авайлашлари ва Россия қонунларига бўйсунишлари керак».

«Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» матбуот хизмати, телефон: (812) 309-73-06.

Расмий баёнот

Ўзбекистон экспорт салоҳияти жаҳон кўргазмасида

2015 йилнинг 1 майидан 31 октябрига қадар Италиянинг Милан шаҳрида “Expo Milano 2015” жаҳон кўргазмаси ўтказилади. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур кўргазмада мамлакатимиз компанияларининг кенг иштирокини таъминлаш, Италияда Ўзбекистон миллий павильонини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Жаҳон кўргазмаси илк бор 1851 йили Лондонда ташкил этилган. Кўламдорлиги ва самарадорлиги боис кейинчалик бошқа мамлакатлар ҳам уни ўтказишга қарор қилган. Дунёга машҳур Эйфель минораси Парижда ўтган “Expo Paris 1889” жаҳон кўргазмасига бағишлаб барпо этилгани унинг нуфузидан яна бир далолат. 1928 йилда Францияда жаҳон кўргазмаларини ташкил этувчи уюшма – Халқаро кўргазмалар бюроси тузилган. Шундан буён ушбу тадбирга мезбонлик қилувчи мамлакат овоз бериш орқали танлаб олинади. Камида олти ой давом этадиган “Expo” жаҳон кўргазмаси ҳар беш йилда ўтказилади.

“Дунёни озиқлантириш, ҳаёт учун қувват” шиори остида ўтказиладиган бу галги жаҳон кўргазмасида 150 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компаниялар иштирок этиши, унга 30 миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда. Кўргазма

Фото: clickbd.com

иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олади. У ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биохилмахилликни сақлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни сақлаш масалалари, ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига оид ўнлаб бўлимлар очилади.

Мазкур нуфузли кўргазмага Ўзбекистоннинг таклиф этилгани бежиз эмас. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. “Made in Uzbekistan” ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда. Экспортни қўллаб-қувватлаш, бундай корхоналарга имтиёз ва преференциялар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай имкониятлар самарасида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар таклиф этаётган маҳсулот ва хизматлар юқори сифати билан хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

“Expo Milano 2015” жаҳон кўргазмаси мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳиятини дунёга намойиш этиш, озиқ-овқат саноатидаги халқаро талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш, янги ҳамкорлар топиш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, Италия билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг сармоя, экспорт-импорт, консалтинг ҳамда транспорт хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларга ихтисослашган муассасалар, шунингдек, пахта толаси, енгил ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, фармацевтика, мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва мебеллар савдоси билан шуғулланувчи компания ва корхоналар иштирок этади. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Ўзмарказимпэкс”, “Ўзинтеримпэкс”, “Марказсаноатэкспорт”, “Ўзпроммашимпэкс”, “Ўзтадбиркорэкспорт”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзулгуржисавдо инвест”, “Ўрта Осиё Транс”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” каби муассаса ва компаниялар шулар жумласидандир.

“Expo Milano 2015” жаҳон кўргазмасида Ўзбекистон миллий павильони учун 500 квадрат метр жой ажратилган. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, халқимиз маданияти ва миллий таомларига оид тўрт бўлим ташкил этилади. Миллий колорит билан безатиладиган Ўзбекистон павильони ўзига хос дизайни ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

“Expo Milano 2015” жаҳон кўргазмаси мамлакатимиз компания ва корхоналари учун хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг имконият яратади.

Нодира Манзурова, ЎзА

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари- турмушимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Аммо кўпчилигимиз уларнинг муаммоларига худди биз ва улар ендош оламларда яшайдигандек қарамоқдамиз. Бинобарин, биз- Россия ҳудудида яшовчи жамиятнинг бир қисми эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Магазинларда, транспортда, кўчаларда, кўп қаватли уйларда биз бошқа юрт, бошқа маданият вакиллари билан бирга кун кечирамиз. Улар биз каби тиббий ва ижтимоий таъминотдан фойдаланишяпти, биз каби Россия ички ялпи маҳсулотини шакллантиришда иштирок этишяпти.

Аммо, кўпгина муҳожирлар “ғайриинсоний” шароитларда кун кечирмоқда. Кўпинча улар фирибгарлар ва виждонсиз воситачилар қўлига тушиб қолмоқдалар, уларни иш берувчилар алдаяпти. Бунинг натижасида улар ўта мушкул моддий ва маънавий ҳолатга тушиб қоляптилар. Афсуски, фуқароларнинг ушбу тоифасига беминнат ердам берувчи ва хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар бизнинг ҳудудимизда жуда кам.

2012 йилнинг август ойидан бошлаб Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областида “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” нотижорат ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Фонднинг асосий вазифаси- Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари ва бошқа ижтимоий ҳимояланмаган шахсларга беғараз ёрдам, хусусан, ҳуқуқий ва моддий кўмак беришдан иборатдир. Фонднинг яна муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида, давлат муассасаларида муҳожирлар номидан вакиллик қилиш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этишдир.

Фондга кўпинча Россия Федерацияси ҳудудида вафот этган муҳожирларнинг қариндошлари мурожаат этишади. Майитни ватанига юбориш учун 50 000 рубл атрофида маблағ керак бўлади. Кўпинча на қариндошларда ва на яқинларида бунча пулни йиғишнинг имкони бўлмайди.Баъзан қариндошларнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолатларда майитни ватанига жўнатиш учун бизнинг кўнгилли ходимларимиз жума кунлари масжидларга ва қурилишларга бориб, бефарқ бўлмаган инсонлардан керакли бўлган маблағни йиққан вазиятлар кўп бўлади.

Биз Фондимизга молиявий ва ахборот кўмагини аямаетган мурувватли инсонларга: хусусий шахслар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Ҳар бир хайрия эҳсони, ҳоҳ у 100 рубл бўлсин, ҳоҳ у бир миллион рубл бўлсин, катта савоб ишдир. Биз учун исталган кўринишдаги кўмак муҳимдир, чунки биз муҳтожларга бу маблағларни қандай сарфлашни биламиз.

Биз сизларни “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди ”да кўришдан, сизларга муҳожирларнинг ҳимоясиз қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришдан мамнун бўламиз.

“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” хайрия ташкилоти қуйидаги манзилда фаолият юритади: ул. Бабушкина, д. 52 («Ломоносовская» метро бекати).

Тел.: 8 (812) 309-73-06.

Азиз дўстлар! Ушбу йилдан бошлаб бизлар муҳожирларнинг турмуш сифатини оширишга қаратилган янги рукн очмоқдамиз. Мазкур рукн

“ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ”

деб номланади.

Унда сизни ўйлантираётган муаммоларга малакали руҳшунос жавоб беради. Ватандан олисда қандай қилиб тушкунликка тушмаслик лозим? Масофадан туриб оилани сақлаб қолиш мумкинми? Бошқа тилда сўзлашувчи инсонлар билан мулоқот чоғида психологик тўсиқни қандай енгиб ўтиш керак? Янги жамиятда болани қандай мослашувга ўргатиш мумкин? Шу каби долзарб мавзуларни газетамиз саҳифаларида муҳокама қилишга тайёрмиз.

Ўз саволларингизни хоҳишингизга кўра ошкор ёки яширин равишда электрон манзилимизга йўллашингиз мумкин:

“Турон” газетаси turangazeta@yandex.ru.

Сизларнинг муаммоларингизга бизлар бефарқ эмасмиз, сизга ёрдам беришдан мамнун бўламиз!

Калининградда меҳнат муҳожирларининг сони бирданига камайди

Федерал миграция хизмати ҳудудий бошқармаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг январида ҳудудга келган меҳнат муҳожирларининг сони 2014 йилнинг январь ойи билан солиштирганда 40 фоизга камайган.

Йил бошидан буён областга 1300 нафар чет эл фуқароси келган, 2014 йилда бу рақамлар 2200 кишидан ортган эди. Агар авваллари муҳожирларнинг асосий қисми Ўзбекистондан келган бўлса (умумий соннинг 66 фоизи), эндиликда ҳудудга кўп ҳолларда украиналиклар келмоқда. Калининград областига келганлар асосан қурилиш (57%) соҳасида меҳнат қилади. Чет эллик ишчилар ишлов бериш жойларида (17%), хизмат соҳаси (10%) ва транспорт соҳасида (4%) меҳнат қилади.

Аммо, калининградлик тадбиркорлар муҳожирлар сонининг қисқариши соҳаларда ишчи кучининг танқислигига олиб келмайди деб ҳисоблайдилар. “Қурилишларни ҳеч ким тўхтатиб турмайди, инқироз ва талабнинг қисқаришини ҳисобга оладиган бўлсак, бозорнинг ўзи ишчиларни қайтадан бўлиб чиқади, − деди қурилиш компанияси директори, Жамоат палатаси аъзоси Ирина Губко. − Албатта, ишчилар сонининг камайиши бозорга таъсир қилади, чунки бизда бир неча компаниялар етарли даражада фаол равишда муҳожирларни ишга жалб қилади. Лекин, йилнинг охиридан бошлаб қурилиш компаниялари бозорда бўш бўлган россияликларнинг пайдо бўлаётганини кузатишмоқда”.

Ҳудудий транспорт ассоциацияси раҳбари Владимир Гренцнинг сўзларига кўра, транспорт соҳаси ҳам жабр кўрмайди. Унинг таъкидлашича, 2008 йилги кризис вақтида бозорда кадрларнинг ҳаддан зиёд кўплиги кузатилган. “Иқтисодиёт ривожланаётган вақтда ҳайдовчиларда ёндош касбларда таклифлар бўлади − улар кетишади, кризисда эса улар корхоналаримизга қайтиб келишади”, − деб ўз фикрида қатъий Гренц. Унинг сўзларига кўра, яқин вақт ичида Калининград йўлларида транспорт сони қисқаради, бу эса чет элликлар “керак бўлмайди” деганидир. “Ҳозир шаҳарда 300дан 400гача маршрутка мавжуд, уларнинг 100тасини қолдириш керак, чет эллик ҳайдовчилар эса 200 та, яъни улар йўқ бўлади ва буни ҳеч ким пайқамай қолади”, - деб таъкидлайди ҳудуд транспорти раҳбари.

Экспертлар ва федерал миқёсдаги амалдорлар муҳожирларнинг оқим бўлиб кетишларини кутмаяпти, уларнинг фикрига кўра, муҳожирлар қайтадиган собиқ СССР давлатларида иқтисодий аҳвол жуда ҳам яхши эмас. Ўз мамлакатларида пул топиш имкониятини топмаган одамлар яна орқага қайтиб келади.

Манба: klops.ru

Башарият эъзозидаги шоир

Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қилмас ёр анга,
Неча бағрим тўлса қон, боқмас даме дилдор анга.

Бир югурук тифл эрур кирпикларим ичинда ёш,
Ким, йиқилиб сончилибтур ҳар тарафдин хор анга.

Номам элтур қуш агар мазмунин элтиб қилса шарҳ,
Сочқай ўт қақнус киби минг чок ўлуб минқор анга.

Лаълинг оллида чекар эл жонини олғач кўзунг,
Вах, не шарбатдур лабингким, жон берур бемор анга.

Ақл эви сори инонин бошламоқ, носиҳ, не суд,
Телбаким, дашт узра маркабдур бузуқ девор анга.

Тортасен исён юкин, хам қил қадинг тоатғаким,
Юк оғир бўлса, рукуъ ул дам бўлур ночор анга.

Умр ғафлат уйқуси бирла тиларсен, кеча, оҳ,
Кўз юмуб-очқунча кимнинг иътимоди бор анга?

Мен худ ўлдум, эй сабо, кўнглумни кўрсанг кўйида,
Чиқма андин, деб насиҳат қилғасен зинҳор анга.

Зор жисмим тушгали ҳажр ўтидин ғам чангига,
Эй Навоий, ўхшашур ҳам уд анга, ҳам тор анга.

Ҳар йили 9-февраль куни Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида тантанали тадбир бўлиб ўтади.

Маънавиятимизнинг шаклланиши, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақи, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли халқ сифатида жаҳонга танилишимизда улуғ шоир, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Нвоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир.

Миллий ифтихоримиз тимсолига айланган мўътабар зот таваллудининг 574-йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида барпо этилган ушбу маскан бугун адабиёт ихлосмандлари билан гавжум. Улуғ бобомиз туғилган сана муносабати билан ташкил этиладиган тантанали тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, маънавият ва таълим фидойилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилади.

Буюк алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида Ватанимиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги файзли боғ ҳамда шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шаҳримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат “Маърифат маркази”нинг муҳташам биноси бунёд этилди.

Бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам ҳолида чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яққол намунасидир.

Шоир асарларида улуғланган эзгу ғояларнинг бардавомлиги мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир.

Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқодчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир. Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир.

Миллатлар Уйида меҳнат муҳожирларига қамалдаги Ленинград ҳақида гапириб беришди

2015 йил 29 январь куни СПб ГКУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи”да муҳожирлар, қочоқлар ва уларнинг оила аъзолари учун Ленинграднинг фашистлар қамалидан тўлиқ озод этилган Кунига бағишланган “Узилмас риштанинг муқаддас хотираси” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Абхазия, Озарбайжон, Грузия, Тожикистон, Ўзбекистон, Украинадан 70 дан ортиқ муҳожирлар ва қочоқлар қамалдаги Ленинград аҳолиси, шаҳар ҳимоясида бевосита иштирок этганлар, турли хил миллий-маданий автономия ва уюшмалар вакиллари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари уларга гапириб берган урушнинг тарихи ҳақида билиш учун келишди. Кечада Санкт-Петербургга Ҳарбий алоқа академиясида собиқ иттифоқ республикаларидан келган курсантлар ҳам иштирок этишди.

– Ленинграддаги кўпмиллатли жасорат ҳақидаги хотира учун Пискарёв қабристонида Россия шаҳарлари ҳудудлари, МДҲ ва хориж давлатларидан хотира тошлари ўрнатилган, – деб гапириб берди СПб ГКУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” директори вазифасини бажарувчи Ислям Талипович Гатин. – 27 январь – нафақат петербургликлар, балки Урушда иштирок этган барча давлатлар учун байрамдир. Петербургга келаётган ҳар бир одамнинг мажбурияти – шаҳарнинг бу мудҳиш тарихини билиш, унинг ватандоши Ленинград учун қон тўкканини тушунишдир.

Тадбир доирасида Санкт-Петербург тарихи ҳақида қисқаметражли фильм ва қамал тўғрисидаги видеоматериаллар намойиш этилди. Тадбирда Ленинград ҳимоясида иштирок этган турли хил миллатлар вакилларига бағишланган болалар суратлари ва китоблари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Ленинград мудофааси ва қамали музейи директори Сергей Юрьевич Курносов Ғалабанинг босқичларидан бири бўлган қамалнинг олиниши ҳақидаги унчалик катта бўлмаган маърузани ўқиб, эшиттирди.

– Мен бизнинг музейимиз фаолиятидан келиб чиққан холда чет элликлар учун Санкт-Петербург ҳақида учта факт маълум эканлигини биламан: унга Буюк Пётр асос солган, бу ерда социалистик инқилоби рўй берган ва Ленинград қамални бошидан кечирган. Шаҳар тарихининг қамалдаги саҳифаларини “ўқиган” Петербург меҳмонлари унинг қалбини, маданиятини англашлари мумкин, – деди С. Ю. Курносов.

Учрашувнинг сўнгида шеър ўқиш ва Санкт-Петербург Марказий районидаги Болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйи ГБОУ ДОД “Преображенский” миллий жамоалар ва ижодий уюшмалар, “Мы из блокады” хори ва Василий Ивашенко (“Санкт-Петербург украин миллий-маданий автономияси” ҲЖТ артисти) иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди.

Ушбу учрашув Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат функцияларини амалга ошираётган чет эл фуқаролари, мажбурий кўчганлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун катта аҳамиятга эга ва маданий мослашишда ёрдам бериш учун тайёрланган. Мавзуга оид ушбу тадбир СПб ГКУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” томонидан Санкт-Петербург миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсатини жорий этиш Қўмитаси ва шаҳар районлари маъмуриятлари кўмагида ташкил этилди.

Ҳурматли ота-оналар! “Петербург болалари” СПб ҲЖТ 4 дан 18 ешгача бўлган болаларни рус тили ва маданияти бўйича бепул дарсларга таклиф қилади.

Дарслар шаҳарнинг турли районларида ҳафтасига 1-3 маротаба бўлиб ўтади.

8 921 093 88 19

рақамларига қўнғироқ қилиб, ёзилишингиз мумкин.
detipeterburga.ru vk.com/knowyourlanguage

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар пайдо бўладиган бўлса, унда улар ФГУП "Паспорт-виза хизмати" нинг умумий қабулхонала-рига бемалол мурожаат этишлари мумкин.

Телефонлар: **318-01-18**

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.



қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

318-01-18 www.7771000.ru

Пулково-1 реконструкциядан кейин очилди

Пулково-1 бир йилга яқин давом этган капитал таъмирлашдан сўнг очилди. 4 февраль куни терминал йўловилар учун очилди, у ички авиалинияларнинг рейслари учун фаолият юритади. Пулково-1дан биринчи навбатда "Россия" ва "Аэрофлот" авиакомпанияларининг рейслари учади.

Қайта таъмирланган терминалга кириш янги аэропортнинг асосий кириш қисми орқали амалга оширилади. Назорат янги Пулковода амалга оширилади.

Пулково-1даги қайта таъмирлашлардан кейин чиқиш йўлакларининг сони 9 тадан 16 тага кўпайди, заллар кенгроқ бўлди, бинонинг ташқи кўриниши эса ўзгармади. Терминалда дўконлар, ресторанлар ва кафелар сони кўпайди, таъмирлаш ишлари вақтида ҳаволантириш ва кондицеонерлаш, ахборот узатиш, видеокузатув ва назорат тизимлари янгиланган.

Қайта таъмирланган терминалнинг ўтказувчанлиги йилига 17 миллион йўловчигача ўсиши тахмин қилинмоқда. Яқин ўн кун ичида ички авиалинияларнинг барча рейслари Пулково-1га ўтказилади.

Шаҳар атрофидаги электричкалар тарифи пасаяди

Ленинград ҳукумати шаҳар атрофидаги электричкаларда йўл ҳақи тарифларининг пасайтирилиши ҳақида қарор қабул қилди, деб хабар беради "Росбалт". Эндиликда ҳар бир километр йўл учун йўловчилардан 2,5 рубль олинади, бу эса йил бошида белгиланган тарифдан 0,15 рублга кам деганидир.

Иқтисодий асосланган тариф бироз юқори эканлиги сабабли нархдаги фарқ ташувчи компанияга Ленинград области бюджетидан тўланиши ҳақида қарор қилинган. Компенсация тўғрисидаги шартнома жорий йилнинг март ойида имзоланиши кутилмоқда.

Аввал маълум бўлишича, 2015 йилнинг 1 январидан шаҳар атрофидаги поездларда чипта сотиб олишда қўшимча йиғимлар жорий этилган: чипта олмасдан касса билан жиҳозланган станцияга кирган йўловчилардан қўшимча 100 рубль олинган. Йўловчиларнинг шикоятлари сабабли ФАС иш кўзғаган.

2015 йилда Петербургда автомобиллар ишлаб чиқариш 15 фоизга камаяди

"Auto-Dealer-СПб" агентлигининг тадқиқотларига кўра, 2014 йилда Петербургдаги Toyota, GM, Nissan ва Hyundai заводларида янги автомобилларни ишлаб чиқариш 8 фоизга қисқартирилган ва 2015 йилда яна 15 фоизга қисқаради.

Петербургдаги автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 66 фоизи Hyundai заводига тўғри келади, у 2014 йилда ўз ишлаб чиқаришини кенгайтиришда давом этди. 2013 йилда Hyundai нинг ҳудуд автосаноатидаги ҳиссаси 58 фоиздан ошмаган эди.

Петербург автосаноатининг умумроссия автомобиллар ишлаб чиқаришига нисбатан 2013 йилдаги 20,5 фоиздан 2014 йилда 21,3 фоизгача ортган.

Қирғизистонлик Азат Усеналиев жаҳон бўйича ойнинг энг яхши боксчиси деб тан олинди

Ҳаваскорлар боксининг халқаро ассоциацияси (AIBA) Азат Усеналиевни январь ойининг энг яхши боксчиси деб тан олди. Бу ҳақда "Бишкек оқшоми" газетасига Қирғизистон терма жамоаси бош мураббийи Адилкан Бекболотов.

2015 йилда "Ойнинг энг яхши боксчиси" лойиҳасини қирғизистонлик Осиё чемпиони Азат Усеналиев очиб беради. Усеналиев бу унвонни Жаҳон бокси серияснинг бешинчи мавсумини ажойиб шаклда бошлагани, енгилмас Эндрю Селбини ғолиб чиққани учун олган.

2007 йилда ёш боксчи кадетлар ўртасида Қирғизистон чемпионатини қўлга киритган ва Бакудаги (Озарбайжон) жаҳон чемпионатида илк бора иштирок этган эди. Боксчи Усеналиевнинг номи 2009 йилда Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик энг кучли боксчи Рафиқжон Султоновни енггандан кейин машҳур бўлиб кетди. 2009-2011 йиллардаги жаҳон чемпионатида, Гуанчжоудаги Осиё ўйинларида иштирок этган. Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларига лицензия олиш турнирида Усеналиев қозоғистонлик фаворитлардан бири Ильяс Сулейменов билан жанг қилди ва бу яккама-якка кураш энг яхши жанг деб тан олинди. Жанг ниҳоясида Сулейменов ғолиб чиқди, лекин Усеналиев энг юқори даражадаги боксчилар билан рақобатлашиши мумкинлигини исботлади ва бу уни Рио-де-Жанейродаги (Бразилия) Олимпия ўйинларига чорлади.

Усеналиев унинг асосий рақиблари Сулеменов ва филлиппинлик Рей Салюдар билан бирга Осиё чемпионати-2013нинг юқори ўринларига даъвогар эди, лекин улар бошланиш ўйинларидаёқ чиқиб кетган. Финалда енгил вазн эгаси қирғизистонлик Азат ўзбекистонлик Шаҳобиддин Зоировни енгди ва ўз мамлакати учун Осиё ўйинларидаги биринчи медални қўлга киритган.

Усеналив жорий йилда "Украиналик атаманлар" билан шартнома тузган ва "атаманлар" таркибидаги илк жангини 23 январь куни "Британия шер эраклари" (Буюк Британия) учун ушбу мавсумда чиқиш қилаётган Эндрю Селби билан ўтказган. Бу жангда Усеналиев барча тўрт раундда устунлик қилди, лекин жароҳати туфайли врачлар унга бешинчи раундни давом эттиришга рухсат бермади.

Қирғизистонлик сайёҳлик фирмалари Гуанчжоудаги кўргазмага таклиф этилди

2 февраль куни Қирғизистон Республикасининг Гуанчжоудаги бош консули Максат Тентимишовнинг Гуандун (Хитой) провинцияси маъмуриятининг туризм бўйича раиси Ян Жунсен билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот, нашриёт ва маданият бошқармаси хабар беради.

Унда айтиб ўтилишича, Қирғиз Республикаси ва Гуандун провинцияси ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинган.

Тарафлар Қирғизистондан Буюк Ипак йўлининг ўтганлигини ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

ҚР бош консули туризм соҳаси вакилларини бу соҳада аниқ ҳамкорлик қилишни баҳолашлари ва танишишлари учун Қирғизистонга ташриф буюришларини таклиф қилди.

Маъмуриятнинг туризм бўйича раиси ўз навбатида Қирғизистонни Гуандун провинциясида танитиш учун қирғиз сайёҳлик фирмаларини жорий йилнинг сентябрь ойида Гуанчжоуда бўлиб ўтадиган ихтисослаштирилган туризм ярмаркасида иштирок этишлари таклифини билдирди.

Душанбеда фотогалерея очилди

Душанбедаги "Ижод" бизнес марказида машҳур фотограф Геннадий Ратушенконинг галереяси очилди. "СССРга қайтиш" деб номланган ушбу галерея фотографнинг бешинчи галереясидир. Фотографнинг "Душанбе-Плаза" БМда, Москванинг 800 йиллиги майдонида, "Жомий" кинотеатрида ва ўзининг шахсий офисида бир нечта галереяси мавжуд.

Кўргазма Тожикистон ва Италиянинг жануби оқ-қора тасвирларда туширилган 100га яқин суратдар иборатдир. Муаллифнинг сўзларига кўра, у икки мамлакат ўртасида параллель ўтказади.

"Ҳар бир сурат – суратга олинмаган фильмларнинг афишасига ўхшайди, суратлар коллекцияси эса – арзирли дизайн ҳисобланади. Тожикистоннинг суратка-шлик бозори қайта туғилмоқда. У хали ёш ва ўз оёғида мустаҳкам тура олмайди. Суратлар кўлда чизилган расмлар каби нафақат интерьерни безатиш учун, жамоат томнидан яхшигина инвестиция бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Бу дунё катта, мураккаб, қизиқарли ва гўзалдир", - деб фикрларини ўртоқлашди фотосуратлар муаллифи.

Кўлобда милиция коллежи очилди

28 январь куни Кўлоб шаҳрида Ички ишлар вазири Рахимзода Рамазон Хамро иштирокида Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг милиция коллежи очилиши маросими бўлиб ўтди.

ТР ИИВнинг хабар беришича, коллеж биноси таълим олиш учун зарур бўлган барча замонавий техник ускуналар ва шароитлар билан таъминланган.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Рахмон ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим олишлари учун доимий эътибор қаратаётгани таъкидлаб ўтилди.

"Ички ишлар вазирлигининг милиция коллежи Тожикистон Республикаси Ҳукумати қарори билан 2014 йилнинг 7 августида ташкил этилган. Ҳозирда у ерда 100дан ортиқ курсантлар таълим олмоқда. Таълим муддати тўрт йилдир. Етим болалар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг вафот этган ходимлари болалари ҳамда оддий фуқароларнинг болалари қабул қилинади. Коллежни тамомлагандан кейин улар ТР ИИВ Академиясида ўқишларини давом эттиришлари ёки ички ишлар органлари сафида меҳнат қилишлари мумкин".

Россияда таҳсил олиш учун номзодларни тўплаш эълон қилинди

Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлиги ва Россотрудничество, Россия Федерациясининг Тожикистон Республикасидаги элчихонаси, Тожикистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги иштирокида 2015-2016 ўқув йилида Россия Федерациясининг таълим муассасаларида олий таълим ва қўшимча касбий таълим дастурлари бўйича федерал бюджетнинг бюджет ассигнациялари ҳисобидан чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда яшаётган ватандошларни қабул қилишни эълон қилади.

Россотрудничествонинг Тожикистондаги ваколатхонасининг хабар беришича, абитуриентларни танлаб олиш икки босқичда амалга оширилади. Таълим учун номзодларни танлаб олишнинг биринчи босқичи Россотрудничествонинг зиммасига юклатилган, ундан сўнг эса анализ ва кўриб чиқишлар натижасида танланган номзодларнинг ҳужжатлари Россия Таълим ва фан вазирлигига танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун жўнатилади.

Саралаш босқичидан муваффақиятли равишда ўтган ва квота олиш ҳуқуқини қўлга киритган номзодлар 2015 йилнинг 19 мартига қадар зарур ҳужжатлар пакетини тўплаб, топширишлари шарт.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК 23 ёшга тўлди

Ўзбекистон Республикаси Миллий авиакомпанияси Дирекциясида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг 23 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди, деб хабар беради компаниянинг ахборот хизмати.

Тантанали вазиятда авиаходимларга МАКнинг Фахрий ёрлиқлари топширилди, "МАК меҳнат фахрийси" кўкрак нишонининг тақдирланиши ҳам бўлиб ўтди.

МАК бош директори В. Тян ўзининг табрик сўзида Миллий авиакомпания ўз туғилган кунини ходимлар жамоасининг катта фидойи меҳнати сабабли ижобий натижалар билан қарши олаётганини гапириб ўтди. У барчага мамлакат фуқаро авиациясидаги меҳнатларида омадлар тилади.

Дирекция, учиш комплекси, "Тошкент" аэропорти, Uzbekistan airways technics авиакорхонаси, САР ДК МАК "Ўзбекистон ҳаво йўллари" махсус авиация ишлари аваикомпанияси, МАК ўқув-машғулот марказининг ёш ва истеъдодли ходимлари осмонга бўлган муҳаббат, рақс ва кулгили саҳналардан иборат ёрқин байрам дастурини тайёрлаганлар.

Япония Ўзбекистонга 3,8 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади

26-28 январь кунлари Токиода Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Япон қўмитасининг 12-мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясини бош вазирнинг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов бошқарди, деб хабар берди ТИВ матбуот хизмати.

Форумда Японияниг молия, ташқи ишлар, иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирликлари раҳбариятининг вакиллари маъруза ўқиди. Япония ҳукумати япон компаниялари ва молия институтларининг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантиришни фаол шаклда қўллаб-қувватлаши таъкидлаб ўтилди.

Қўмитанинг мажлисида Ўзбекистон иқтисодиётининг илғор соҳалари тақдимоти ўтказилди, унда япон компаниялари, банклари ва ҳукумат агентликларининг 200 дан зиёд вакиллари иштирок этди.

Мажлис ниҳоясида 3,8 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестицион, кредит келишувлари ва техник ёрдам кўрсатиш бўйича япон инвестицияларини ҳамда кредитларини жалб қилиш бўйича келишувлар пакетлари имзоланди. Улар асосан электр энергияси, нефт ва газ, кимё, текстил, электротехника саноати, телекоммуникация, туризм, транспорт инфраструктураси ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон делегацияси Япония бош вазири Шиндзо Абэ томонидан қабул қилинди ва унга Президент Ислом Каримовнинг шахсан мурожаати топширилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, инвестиция ва молия соҳаларда ҳамкорлик қилишнинг ҳолати ва имкониятлари муҳокама қилинди.

Ундан ташқари бош вазирнинг ўринбосари, молия вазири Таро Асо, иқтисод, савдо ва саноат вазири Йоичи Миязава, Япония банки раиси Харухико Куродо, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги раҳбарияти (JICA), Халқаро ҳамкорлик япон банки (JBIC), давлат агентликлари ва Японияниг илғор компаниялари ҳамда банклари билан ҳам музокаралар ўтказилди.

Психологик ёрдам

Кўникиш қийинчилиги: МУҲОЖИРНИНГ МАДАНИЙ ШОКИ

Отабек биринчи маротаба Санкт-Петербургга пул ишлаш мақсадида келди. Рус тилини яхши билмас эди, “Метро бекатига қандай қилиб борса бўлади?”, “Магазин қаерда?”, саломлашиш, хайрлашишни билар эди холос.

Фото: kommersant.ru

Отабекнинг бошидан кечирганлари кўпчилик муҳожирларникига ўхшашдир. Уларнинг кўпчилиги Россияга келиб, кўникишнинг психологик томонларини ўйламайди. Лекин ҳуқуқ соҳасида ҳам, психологик жиҳатдан ҳам қийинчиликларга дуч келишлари аниқ.

Одатда муҳожир бошидаёқ шокни ҳис этади. У психологик ёки маданий бўлиши мумкин. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ, ахир одам бошқа маданий муҳитга тушиб қолади, шу муносабат билан мослашишда қийинчиликларни ҳис қилади. Унга жуда ҳам қийин, у янги муҳитга мослашишга ҳаракат қилади, буни амалга ошириш эса қийиндир.

Муаммо шундаки, у бошқа дунёда вояга етган ва аввалги ҳаёти давомида ишлаб чиқилган мослашиш механизмлари янги муҳитда ишламаслиги мумкин.

Муҳожир маълум бир шаклда одамларга мурожаат қилишга, атроф-муҳитга ўргаиб қолган, энди бўлса, бошқа шароитда у ўзини атрофдагиларнинг назарида ноқулай ҳис қилаётганини, ҳаддан ташқари диққатни ўзига жалб қилаётганини ҳис қила боради.

Бундай ҳолат узоқ давом этиши мумкин. Янги нормаларни ўзлаштирган сари одам бу инқироздан ўтади ва бегона маданиятни қабул қилишни бошлайди. Бу ерда бир нарсани англаш лозим: бошқа мамлакатга доимий яшаш учун кўчиб ўтилганда ва янги ҳаёт шароитларига босқичма-босқич мослашиш бошқа, вақтинчалик кўчиб ўтганга эса умуман бошқа, малакали психологик ёрдам керак.

Баъзи муҳожирлар депрессияга тушиб қолади, улар ваҳимага тушади, қўрқади, бошқаларда эса психоматик касалликлар пайдо бўлади. Шу сабабли, уларнинг кўпчилигига психологларнинг ёрдами зарур, бу эса кўп ҳолларда самарали бўлади.

Муҳожирлар ўз ҳолатларини бирдан қабул қилишлари лозим, маданий жиҳатдан мослашишга ҳаракат қилишлари керак – ишларида омадли бўлишлари учун улар бошқа мамлакатда уша жойнинг қонунлари билан яшашлари даркор.

Уларнинг ҳолати юқори даражадаги психологик чидамлиликни талаб қилади. Кўп холларда бундай бўлади: одамлар бегона давлатга кўтаринки руҳ билан келади, улар барча муаммоларни ўзлари ҳал қилаоламан деб ўйлашади.

Бошиданоқ психологга мурожаат қилмаганлар барибир унга муҳтож бўлишади: ахир ички ресурслар тугаган, қийинчиликлар эса хали ҳам мавжуд вақтда психолог айниқса керакдир.

Бундай мутахассис муҳожирлар билан индивидуал шаклда иш олиб боради, ахир ҳар бир одамга ўзига яраша мурожаат қилиш лозим, унинг аниқ бир муаммоси мавжуд. Кўпгина ҳолатларда болалар ота-оналарига мослашишлари учун ёрдам бериб, ўртадаги восита сифатида ҳам иштирок этадилар. Лекин, профессионал психологик ёрдам ҳаммага ҳам керак бўлавермаслигини тушуниш даркор. Жиддий муаммолар ва дил сиёҳлиликлар билан ўзлари курашадиган одамлар ҳам бор.

Муҳожирлар билан ишлайдиган психологларни баъзан муҳожирлар ва қабул қилувчи икки дунё орасидаги воситачи деб ҳам аташади.

Фото: userapi.com

Муҳожир ваҳима ва қўрқувдан қутилиш учун нима қилиш лозим?

Ўзининг маданиятлараро хабардорлигини ошириши керак – турли хил оммавий-маданий, спорт тадбирлари, миллий байрамларга бориши, этник маданий бирлашмалар томонидан ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиши.

Ўзининг жаҳлдорлигини пасайтириши – ўз уйидан узоқдалигида яхши қирраларни кўра билиш, бунга эса музейларга, кўргазмаларга, психологик тренингларга бориш, янги нима биландир шуғулланиш киради.

Ўзини ўзи таълим бериш билан шуғулланиш – қабул қилаётган томоннинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш. Маюс фикрлардан чалғиш мақсадида Отабек кўпроқ рус тили бўйича китобни қўлига ола бошлади. Ишдан келгандан кейин, қоидаларни эслаб қолиш учун бир неча маротабалаб такрорлар эди. Бу иш аста-секинлик билан унга енгил бўла бошлади, қўрқув қаергадир ғойиб бўлди, секин-секин стресддан қутула бошлади, бундай машғулотлар келгусида унга ёрдам беришини англай бошлади. Бир куни ўзига-ўзи эртага дўстини Эрмитажга таклиф қилишини айтди.

Ахир унинг отаси бу музейни роса ҳам мақтаган эди! Бундай муносабат албатта кайфиятни кўтаради, тушкунликдан халос этади, шундай эмасми?

Юлдуз Ядгарова

«ШАҲАР ЖАМҒАРМА МАРКАЗИ» КРЕДИТ ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВИ

Ўрта Осиелик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайер бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома езиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Меҳнат шартномасисиз ишлаш – бу рус рулеткаси ўйинидир

Сўнгги вақтларда “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди”га бир неча киши шунга ўхшаш муаммо билан мурожаат қилди: қурилишда бир неча ой ишлаб, меҳнат ҳақларини тўлиқ олмаганлар.

Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Санақулов Машраб Худойназарович ҳам бор эди. У Санкт-Петербургга биринчи маротаба 2012 йилнинг май ойида келган эди ва федерал миграция қонунчилигини бузмаган ҳолда ишга жойлашиш учун кимга мурожаат қилишни билмаганлиги сабабли таниш-ларининг маслаҳати билан ўз ватандошларидан бирида ишлай бошлади. Фуқаро Санақуловнинг сўзларига кўра, у ва унинг бригадири қурилишда ишлаш ва ойлик маоши 25 000 рубль бўлиши ҳақида оғзаки келишиб олган. Шундан кейин у ишга киришди ва 2012 йилнинг октябрь ойига қадар меҳнат қилди. Ўзбекистон фуқароси меҳнат рухсатномаси ёки патент расмийлаштириб ўтирмади, Питерда анчадан бери ўрнашиб олган ватандошига ишонган ҳолда ишберувчи билан бирон-бир шартнома ҳам тузмади. Бундан кейинги олти ой давомида М. Х. Санақулов бир маротаба ҳам ўз маошини тўлиқ шаклда олмаган – унга яқинда компенсация қилишларини айтиб, турли хил баҳоналар билан 5-7 минг рублдан тўлашган.

Объект топширилгандан кейин ҳисоб-китоб вақти ҳам келган, унинг ишберувчиси бўлган прораб номаълум томонга яширинган. Машраб Санақулов ва бошқа ишчиларга у яхшигина миқдордаги пул қарзи бўлган. Виждонсиз ишберувчининг телефонлари ҳам хизмат доирасидан ташқарига чиқиб кетган.

Ўзининг ишга жойлашишига совуққонлик билан қарашнинг натижаси аёндир – Машраб Санақулов ва унинг кўпгина ватандошлари пулсиз, қарзга ботган ҳолда ва ноқонуний муҳожир сифатида қолиб кетган.

“Ўртакашлар” муҳожирнинг паспорти, меҳнат рухсатномасани расмийлаштириш учун олинган пуллари билан ғойиб бўлиб қоладиган ҳолатлар ҳам кам эмас.

“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” ходимлари афсуски, бундай ҳолатлар билан кўп тўқнаш келишади. Бундай ачинарли ва қийин ҳолатларга тушмаслик учун ишберувчи билан ҳар қандай шартномани қоғозда тузиш кераклигини такрорлашдан чарчашмайди. Барча расмий ҳужжатларигина мавжуд бўлган маълум бир корхонадагина меҳнат қилишингиз мумкин. Шартнома икки нусҳада тузилган бўлиши лозим ва унда сиз ишберувчига қайси хизматларни қандай ҳажмда амалга оширишингиз кўрсатилган бўлмоғи даркор.

Оғзаки ваъда, у ҳаттоки ватандошингиздан бўлса ҳам, сизнинг элементар ҳуқуқларингизнинг риоя қилинишига гарант “Кафолот” бўла олмайди. Жисмоний шахс бундай кафолатни бера-олмайди, унга риоя қилиниши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Жисмоний шахслар билан ишга жойлашиш бўйича гаплашманг!

Ушбу масала юзасидан тўлиқ маълумот олиш учун сиз ҳар доим “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” юристларига мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизга сиз танлаган ишберувчининг ишонарлилигига ва виждонлилигиа ишонч ҳосил қилишингизда ёрдам беради ва Россия Федерациясида легализация қилиш тартиби ҳақидаги тўлиқ маълумотни беришади.

Сен гуноҳкор изламагин

Мусофирда юрган аёлни нопок деманг,
Ўзгалар гуноҳин елкага илманг,
Ўзга юртда ҳалол топган насибасин,
Енгил ҳушлик билан топди дея кўрманг.

Улар ҳам бир оиланинг дур, хазинаси,
Кимга она, опа-сингил, ён қўшниси,
Бўлса бордир лек, беш бармоқ эмас бир хил,
Ҳалол юрган ожизани нопок деманг!

Елкасида рўзғор иши, ғам ташвиши,
Болам дея қон ютган, синса ҳам тиши!
Орзу билан, тўй қилишга ҳавас қилган,
Худо деган муслимани нопок деманг!

Кўз ёшлари ичга оқар ўзга юртда улар,
Табассумни ниқоб қилар, сиртда улар,
Фарзандига ҳам ота, ҳам она улар!
Болам деган муштипарни нопок деманг!

Саҳиҳлигин билмай сўзинг сўзламагин,
Роббим кўрар, ғазабини кўзғамагин,
Ўз йўлида кетаверсин ҳар бир инсон,
Аллоҳ борку! Сен гуноҳкор изламагин!

Мусофирда юрган муслималар учун

Фалакдан тушган менинг фариштам,
Сени дуоларинг мен билан ҳамдам.
Не учун? Онажон кўзларингда нам?
Қувон кул, ҳеч қачон йиғлама онам!

Сени юрагингни оғритган бўлсам,
Кечиргин юракда қолдирма алам!
Сен кулсанг, кулади мен учун олам!
Қувон кул, ҳеч қачон йиғлама онам.

Мусофир юртларда демагин болам,
Биз учун кўргансан қийинчилик ғам,
Энди ўзинг учун яшагин сен ҳам!
Қувон кул, ҳеч қачон йиғлама онам!

Мен учун меҳрибон якка ягонам,
Дунёларга тенгсиз дурум дурдонам,
Сен билан кулбам ҳам бўлар кошонам!
Қувон кул, ҳеч қачон йиғлама онам!

Жуманова Тозагул, Самарқанд, Ўзбекистон республикаси

Азиз дўстлар! Сизларни
“ЎРТА ОСИЁЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ФОНДИ”
иштирокчисига айланишга таклиф этамиз.

Фонд қатнашчисига айланиб сиз бутун меҳнат фаолиятингиз давомида иш жойингизда мунозарали вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқларингиз поймол этилганда ва кутилмаган вазиятларда бепул ҳуқуқий ва юридик ёрдам олишингиз мумкин. Фонд ҳамиша ўзининг қонунга бўйсунувчи қатнашчиларини ғаразгўй шахслар ва ташкилотлар олдида ҳимоя қилади.

Батафсил маълумотларни Фонд ходимларидан қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (812) 309-73-06

ёки қуйидаги манзилга ташриф буюришингиз мумкин:
Бабушкина кўчаси 52, лит. А, пом. 27Н 10.00 дан 18.00 га қадар иш кунлари.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди
Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?
Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!
Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:
- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:
- Рус тили машғулотлари
- Маданий ҳордиқ ва хайрия тадбирлари
- Илмий семинарлар ва анкуманлар

ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии
Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!
Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)
Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва реклама бўйича менежер (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ва газета тарқатувчи ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:
*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.**
Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.
Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.
Ломоносовская метро бекати.
Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

ФИНАНСОВАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ
Займы гражданам Узбекистана и Таджикистана от 1000 до 10 000 руб.
Қарз олинг! Ўзбекистон ва Тожикистондан келган меҳнат муҳожирлари учун 1000 дан 10 000 рублгача.
Дарёфти қарзи хурд! Барои муҳоҷирони меҳнатӣ аз Тоҷикистон ва Узбекистон. Аз 1000 то 10 000 рубли русӣ.
Тел.: 715-21-21
м. Пионерская, Богатырский пр., 7
Универсам "Перекресток"

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина
Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1571. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 5.02.2015, фактическое – 5.02.2015
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриет уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусҳада.
ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1571. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 5.02.2015 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 5.02.2015 соат 18.00